САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МЎМИНОВ МУХИДДИН ЭШҚОБИЛОВИЧ

ПАНЖАРАДАГИ ШРЁДИНГЕР ОПЕРАТОРЛАРИНИНГ МУҲИМ ВА ДИСКРЕТ СПЕКТРЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2021

УДК: 517.984

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МЎМИНОВ МУХИДДИН ЭШҚОБИЛОВИЧ

ПАНЖАРАДАГИ ШРЁДИНГЕР ОПЕРАТОРЛАРИНИНГ МУҲИМ ВА ДИСКРЕТ СПЕКТРЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд– 2021

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси рлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/FM176 рақам н рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Лақаев Саидахмат Норжигитович**
физика-математика фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар: **Розиқов Ўткир Абдуллоевич**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Рахимов Абдумалик Абдумаджидович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Халхўжаев Ахмад Миясарович
физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» июля соат 10[00] даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231-06-32, факс: (+99866) 235-19-38, 239-12-47, e-mail: patent@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (30 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231-06-32.

Диссертация автореферати 2021 йил «5» июля куни тарқатилди.
(2021 йил «5» июля даги 2 рақамли реестр баённомаси).

А.С. Солеев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

А.М. Халхўжаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

И.А.Икромов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар, аксарият ҳолларда микроолам назариясини тавсифловчи квант механикаси масалаларини ўрганишга келтирилади. Заррачаларнинг стационар ҳолатини тавсифловчи Шредингер тенгламалари квант назариясининг асосий тенгламасидир. Итаришувчи ва тортишувчи жуфтликларни тавсифлашда фойдаланиладиган Бозе–Хаббард модели, яъни панжарадаги Шредингер оператори экспериментал кузатишларнинг назарий асоси ва қўллашнинг назарий базаси ҳисобланади. Шунинг учун қаттиқ жисмлар физикаси ҳамда квант майдонлар назариясида учрайдиган панжарадаги заррачалар системаси гамильтонианларига мос Шредингер операторларига оид тадқиқотларни ривожлантириш муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон илм-фанида кубик панжарадаги икки, уч ва тўрт квант заррачали система гамильтонианларига мос Шредингер операторларининг спектри система квазиимпульси ўзгаришига нисбатан ўта сезувчан бўлганлиги учун ушбу операторлар оилалари спектрига оид муаммоларни ҳал этиш, жумладан дискрет Шредингер операторлари учун боғланган ҳолатлар мавжудлигини кўрсатиш ва унинг сонини аниқлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада: панжарадаги ихтиёрий икки, уч ва тўрт квант заррачали системаларга мос дискрет Шредингер операторлари муҳим спектрларининг тузилиши ва жойлашув ўрнини аниқлаш, муҳим спектрнинг бўшлиқ оралиғида чексиз сондаги хос қийматлари (Ефимов эффекти) мавжудлиги, ХВЖ (Хунцикер– ван Винтер–Жислин) теоремасининг аналогини исботлаш, хос қийматларининг мавжудлиги ва уларнинг сонини аниқлашга оид тадқиқотларни ривожлантириш амалий-назарий жиҳатдан муҳим илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиқларга эга бўлган долзарб йўналишларга эътибор кучайтирилди хусусан, мамлакатимиз олимлари томонидан кубик панжарадаги заррачалар системаси гамильтонианларига мос Шредингер операторларининг спектрал назариясини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. “Алгебра ва унинг татбиқлари, дифференциал тенгламалар ва унинг татбиқлари, чизиқсиз тизимлар, динамик тизимлар ва уларнинг татбиқларини математик моделлаштириш, стохастик таҳлил, тиббий-биологик информатика, ҳисоблаш математикаси[1] фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди. Бу қарор ижросини таъминлашда математик анализнинг ўз-ўзига қўшма операторлар спектрал назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И. Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2]. Шредингер операторлари ҳамда Фридрихс моделларига оид тадқиқотлар ва илмий изланишлар етакчи хорижий давлатларнинг олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари, жумладан, Universität Innsbruck (Австрия), University of Missouri, Princeton University, Harvard University (АҚШ), Université Paris Nord (Франция), Kyoto University (Япония), Weierstrass Institute for Applied and Stochastics ва Universität Mainz (Германия), University Roma and SISSA (Italy), University of Basel, Universität Zürich, Universität Bern (Switzerland), Universidade de São Paulo (Бразилия), University of Toronto (Канада), Universiti Kuala Lumpur, Universiti Teknologi Malaysia (Малайзия), Россия Фанлар академияси ахборотларни узатиш муаммолари институти, Лобачевский номидаги Нижегород давлат университети, Россия Фанлар академияси Математика институти Санкт-Петербург бўлими , Россия Фанлар академияси назарий физика институти, Москва давлат университети (Россия)да кенг қамровли олиб борилмоқда.

Шредингер операторларига оид дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор долзарб масалалар ечилган, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: итаришувчи жуфтликларни тавсифлашда фойдаланиладиган Бозе–Хаббард гамильтониани, яъни панжарадаги Шредингер оператори экспериментал кузатишларнинг назарий асоси қилиб олинган ва тартибланган муҳитларда мураккаб турғун объектлар итаришувчи таъсирлар натижасида ҳам мавжуд бўлиши мумкинлиги исботланган (Universitat Innsbruck (Австрия)); икки заррачали Шредингер операторлари хос қийматларининг боғланиш доимийсига боғлиқлиги ўрганилган (Princeton University (АҚШ), University of Basel (Швейцария), Самарқанд давлат университети); ихтиёрий потенциалли икки заррачали дискрет Шредингер

[2]Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: https://www.springer. com/gp/mathematics; https://onlinelibrary.wiley.com/; www.mathnet.ru; www.scholar. google.com; www.elsevier.com /locate/camw ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

оператори хос қийматлари мавжудлик шартлари топилган (Universität Bonn (Германия), University of Missouri (АҚШ), Самарқанд давлат университети); уч заррачали Шредингер операторлари учун Ефимов эффекти исботланган (Россия Фанлар академияси физика-техника институти, Россия Фанлар академияси Математика институти Санкт-Петербург бўлими, Université Paris Nord (Франция), Kyoto University (Япония), Россия Фанлар академияси назарий физика институти, Universiti Teknologi Malaysia (Малайзия), Самарқанд давлат университети); уч заррачали системага мос умумлашган Фридрихс моделининг хос қийматлари мавжудлиги, улар сонининг чекли ва чексиз кўп бўлиш шартлари топилган (Weierstrass Institute for Applied and Stochastics (Германия), Лобачевский номидаги Нижегород давлат университети (Россия), Самарқанд давлат университети); N– заррачали Шредингер операторлари муҳим спектрининг жойлашув ўрни тавсифланган (Лобачевский номидаги Нижегород давлат университети (Россия), Самарқанд давлат университети).

Дунё миқёсида бугунги кунда панжарадаги икки, уч ва тўрт заррачали системаларга мос Шредингер операторларининг спектрал хоссаларини тадқиқ этиш бўйича бир қатор, жумладан: панжарадаги икки заррачали дискрет Шредингер операторининг мусбатлик шартларини топиш, уч заррачали дискрет Шредингер оператори дискрет спектрининг чеклилик ва чексизлиги учун шартларни олиш, жуфт-жуфти билан қисқа таъсирлашувчи потенциалга эга бўлган ихтиёрий тўрт заррачали дискрет Шредингер операторининг муҳим спектри тузилиши ва жойлашувини тавсифлаш ҳамда ХВЖ (Хунцикер–ван Винтер–Г.М.Жислин) теоремасини исботлаш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шредингер операторларини ўрганиш масаласи қаттиқ жисмлар физикаси, квант майдонлар назарияси, норелятивистик квант механикасининг асосий масалаларини ўрганиш билан узвий боғлиқдир. Бу соҳада олинган натижалар кўплаб илмий адабиётларда, хусусан, М.Рид ва Б.Саймоннинг тўрт томли китобларида батафсил келтирилган. Панжарадаги заррачалар системасига мос Шредингер операторлари XX асрнинг 90-йилларида дастлаб Д.С.Маттис, А.И.Могильнер томонидан қаралди ва унга оид тадқиқотлар жадал ривожланди. Панжарадаги Шредингер операторларини математик маънода тадқиқ этишда узлуксиз Шредингер операторларидаги каби муаммолар учрайди, яъни дастлаб бир, икки заррачали ва ҳоказо кўп заррачали операторларни ўрганиш талаб этилади. Шредингер операторлари ҳамда умумлашган Фридрихс моделлари учун муҳим спектр тавсифи ва жойлашув ўрни, дискрет спектри мавжудлиги ва унинг чеклилиги ёки чексизлигини аниқлаш масалалари М.Клауз, Б.Саймон, Г.М.Граф, Д.Шенкер, Р.А.Минлос, Г.М.Жислин, Д.Р.Яфаев, Р.А.Фариа да Веига, Е.Л.Лакштанов, С.Н.Лақаев, К.Макаров, А.В.Соболев каби олимлар томонидан ўрганилган.

Е.Л.Лакштанов, Р.А.Минлос ишларида юқори температураларда гиббс майдонларининг кенг синфи трансфер-матрицалари учун икки заррачали боғланган ҳолатлари ўрганилган ҳамда кластерлик параметрининг кичик қийматларида икки заррачали кластер операторлари боғланган ҳолатларининг мавжудлиги исботланган. Faria da Veiga, L.Ioriatti, M.O'Carroll томонидан икки заррачали Шредингер операторининг спектрал хоссалари система тўла квазиимпульсига боғлиқ равишда ўрганилган.

С.Албеверио, С.Лақаев, К.Макаров ва З.Муминовлар томонидан $d-$ ўлчамли $\mathbb{Z}^d$, $d \geq 3$, панжарада ихтиёрий икки заррачали система гамильтонианига мос икки заррачали Шредингер оператори учун хос қийматларнинг мавжудлик шартлари топилган.

Уч заррачали узлуксиз Шредингер операторлари учун потенциалга қўйилган маълум шартларда муҳим спектрдан чапда чексиз сондаги хос қийматлар пайдо бўлиш ҳодисаси дастлаб В.Н.Ефимов томонидан аниқланган. Унинг қатъий математик исботи биринчи бўлиб Д.Р.Яфаев томонидан берилган. Кейинчалик эса Ю.Овчинников, И.М.Сигал, Ҳ.Тамура томонидан исботланган.

Уч заррачали дискрет Шредингер операторлари учун эса, дастлаб панжарадаги жуфт-жуфти билан контакт таъсирлашувчи учта бир хил заррачали системага мос Шредингер операторлари учун система квазиимпульсининг нол қийматида Ефимов эффектининг мавжудлиги С.Н.Лақаев томонидан исботланган. С.Н.Лақаев, Ж.Абдуллаев ва З.Мўминовлар томонидан жуфт-жуфти билан контакт таъсирлашувчи уч заррачали системага мос айирмали Шредингер операторлари учун муҳим спектрдан чапдаги хос қийматлари сони учун асимптотик формула олинган.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур ишларда қаралаётган уч заррачали системадаги барча учта икки заррачали қисм системалар ёки улардан иккитаси нолда виртуал сатҳга эга бўлганда хос қийматлар сонининг чексиз кўп бўлиши ҳамда оператор муҳим спектрининг чап томонида пайдо бўлиши исботланган. Муҳим спектрда бўшлиқ оралиқнинг пайдо бўлиши фақатгина дискрет Шредингер операторлари учун ўринли бўлади. Хусусий ҳолда, уч заррачали системада иккита икки заррачали қисм системалар нолда виртуал сатҳга эга бўлганда ва учинчи потенциал қиймати катта бўлганда муҳим спектрда бўшлиқ оралиқ пайдо бўлиб, бу ҳолатда хос қийматлар сонининг чекли ёки чексиз кўп бўлиши очиқ масала ҳисобланарди.

Хунцикер, ван Винтер ва Г.М.Жислин томонидан N– заррачали узлуксиз Шредингер операторининг муҳим спектри ярим интервалдан иборат бўлиши ва унинг аниқ қуйи чегарасига маълум синф қисм гамильтонианлар спектрида эришиши исботланган. Ушбу натижа спектрал назарияда Хунцикер–ван Винтер–Жислин (ХВЖ) теоремаси деб номланган. Таъкидлаш жоизки, тўрт заррачали дискрет Шредингер оператори учун ХВЖ теоремаси исботланмаган эди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎзР ФА Самарқанд бўлимининг ФА-Ф1-Ф045 "Панжарадаги кўп заррачали система гамильтонианлари. Спектр ва резонанслар" (2007-2011 йй.); ЎзР ФА Самарқанд бўлимининг ФМ-1-016 "Панжарадаги икки ва уч заррачали системаларда қуйи энергетик эффектлар" (2008-2009 йй.); Малайзия технология университетининг PAS Ref. No. PY/2014/04068 “Eigenvalue problem for the two particle Schrodinger opertaor on lattice” (01/07/2015–30/06/2016) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади уч ўлчамли панжарадаги жуфт-жуфти билан қисқа масофада ўзаро таъсирлашувчи икки, уч ва тўрт заррачали системаларга мос дискрет Шредингер операторларининг муҳим ва дискрет спектрларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

панжарадаги икки заррачали система квазиимпульсининг барча қийматларида икки заррачали Шредингер операторининг мусбатлик шартларини топиш;

икки ва уч заррачали дискрет Шредингер операторларининг муҳим спектридан ташқаридаги ихтиёрий интервалда ётувчи дискрет спектри сони учун ифода олиш;

уч заррачали дискрет Шредингер оператори дискрет спектрининг чеклилик шартларини топиш;

панжарадаги жуфт-жуфти билан контакт таъсирлашувчи потенциалларга эга бўлган уч заррачали Шредингер операторининг муҳим спектри бўшлиқ оралиғида чексиз сондаги хос қийматлари (Ефимов эффекти) мавжудлигини исботлаш;

жуфт-жуфти билан қисқа таъсирлашувчи потенциалларга эга бўлган ихтиёрий тўрт заррачали дискрет Шредингер операторининг муҳим спектри тузилиши ва жойлашувини тавсифлаш ҳамда ХВЖ (Хунцикер–ван Винтер–Жислин) теоремасини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти. Панжарадаги жуфт-жуфти билан қисқа таъсирлашувчи потенциалли икки, уч ва тўрт заррачали системаларга мос Шредингер операторларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети. Панжарадаги жуфт-жуфти билан қисқа таъсирлашувчи потенциалли ихтиёрий икки, уч ва тўрт заррачали системаларга мос Шредингер операторларининг спектрал таҳлилидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида чизиқли операторларнинг спектрал назарияси; панжарадаги уч заррачали гамильтонианларнинг резольвенталари учун Фаддеев-Ньютон типидаги компакт интеграл тенгламалар; Бирман-Швингер принципи; дискрет Шредингер операторига мос Фредгольм детерминантини аналитик давом эттириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

квазиимпульснинг нолга тенг бўлмаган барча қийматлари учун икки заррачали дискрет Шредингер операторининг мусбатлик шартлари топилган, шунингдек квазиимпульснинг нолга тенг бўлмаган барча қийматларида икки заррачали дискрет Шредингер операторининг хос қиймати мавжудлиги ва мусбатлиги исботланган;

панжарадаги икки ва уч заррачали системага мос Шредингер операторларининг муҳим спектридан ташқаридаги ихтиёрий интервалда ётувчи дискрет спектри сони учун формула олинган;

уч заррачали дискрет Шредингер оператори дискрет спектрининг чеклилик шартлари топилган;

уч заррачали дискрет Шредингер оператори муҳим спектрининг бўшлиқ оралиғи мавжудлиги шарти аниқланган ҳамда шу бўшлиқ оралиқда чексиз сондаги хос қийматлари (Ефимов эффекти) мавжудлиги исботланган;

жуфт-жуфти билан қисқа таъсирлашувчи потенциалга эга бўлган ихтиёрий тўрт заррачали дискрет Шредингер оператори муҳим спектрининг тузилиши ва жойлашуви тавсифланган ҳамда ХВЖ (Хунцикер–ван Винтер–Жислин) теоремаси исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси панжарадаги уч заррачали Шредингер оператори муҳим спектри бўшлиқларида хос қийматлар сонининг чексизлигини исботлаш усулларидан *N*– заррачали дискрет Шредингер операторининг муҳим спектрида бўшлиқ оралиқлар мавжудлигини исботлашда қўлланилган;

панжарадаги тўрт заррачали Шредингер оператори учун Хунцикер–ван Винтер–Жислин теоремасидан *N*– заррачали дискрет Шредингер операторининг муҳим спектрини тавсифлашда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик анализ, математик физика, функционал анализ ва комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда қатъий математик мулоҳазаларни қўллаш орқали, математик исботлашлар билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар ўз-ўзига қўшма операторлар спектрал назарияси, квант майдонлар назарияси, хусусан, панжарадаги икки, уч ва кўп заррачали система гамильтонианларининг спектрал назариясининг кейинги ривожида қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган илмий натижаларнинг қаттиқ жисмлар физикаси ва квант механикасида экспериментал тадқиқотлар ўтказиш ва қўллашга назарий асос сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Панжарадаги икки, уч ва тўрт заррачали дискрет Шредингер операторининг муҳим ва дискрет спектрлари бўйича олинган натижалар асосида:

панжарадаги уч заррачали дискрет Шредингер операторининг муҳим ва дискрет спектри учун олинган натижалардан етакчи хорижий журналларда (Theoretical and Mathematical Physics, 2007, Vol. 152, №3, 1313–1321; Theoretical and Mathematical Physics, 2009, Vol. 161, № 2, 1460–1470; Methods Funct. Anal. Topology, 2009, Vol. 15, № 1, 67-73; Theoretical and Mathematical Physics, 2010, Vol. 163, № 1, 429–437; Applied Mathematics & Information Sciences– An International Journal, 2010, Vol. 4, №3, 395–412; Siberian Mathematical Journal, 2011, Vol. 52, 316–328; Proceedings of IAM, 2016, Vol. 5, № 2, 156–174; Reviews in Mathematical Physics, 2020, Vol. 32, № 6, 2050015) баъзи уч заррачали дискрет Шредингер операторлари ва умумлашган Фридрихс модел операторларининг спектрал хоссаларини ўрганишда фойдаланилган. Илмий натижанинг қўлланилиши қаралаётган операторлар хос қийматлари сонининг чеклилиги ва чексизлигини исботлаш имконини берган;

панжарадаги уч заррачали Шредингер оператори муҳим спектри бўшлиқларида хос қийматлар сонининг чексизлигидан етакчи хорижий журналларда (arXiv preprint arXiv:1408.4280, 2014; Journal of Physics A: Mathematical and Theoretical, 2018, Vol. 51, № 26, 265202; European science, 2020, Vol. 2, № 51, 27–30) N– заррачали дискрет Шредингер оператори ва умумлашган Фридрихс модел операторларининг муҳим ва дискрет спектрларини ўрганишда фойдаланилган. Илмий натижанинг қўлланилиши қаралаётган операторларнинг муҳим спектрида бўшлиқ оралиқлар мавжудлигини исботлаш имконини берган;

панжарадаги тўрт заррачали Шредингер оператори учун Хунцикер–ван Винтер–Жислин теоремасидан етакчи хорижий журналларда (Theoretical and Mathematical Physics, 2009, Vol. 161, № 2, 1460–1470; Applied Mathematics & Information Sciences– An International Journal, 2010, Vol. 4, № 3, 395–412; International Conference on Mathematical Sciences and Statistics, 2013, 187–194; Journal of Physics A: Mathematical and Theoretical, 2018,Vol. 51, № 26, 265202) N– заррачали дискрет Шредингер оператори ва умумлашган Фридрихс модел операторларининг муҳим спектрларини тавсифлашда фойдаланилган. Илмий натижанинг қўлланилиши қаралаётган операторларнинг муҳим спектрларининг тузилиши ва жойлашув ўрнини топиш имконини берган;

икки заррачали системага мос Шредингер операторининг хос қийматлари мавжудлик шартларидан “Boundary integral equation method for ahlfors mapping of bounded multiply connected regions and finding zeros of the ahlfors map” мавзусидаги R.J130000.7809.4F637 рақамли хорижий лойиҳада умумлашган Нейман ядроли интеграл тенгламанинг ечими мавжудлигини исботлашда фойдаланилган. (Малайзия технология университетининг 2021 йил 21 апрелдаги малумотномаси). Олинган натижалар кўп боғламли соҳада Рубин масаласини ечиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та илмий ва илмий-амалий анжуманларда, жумладан 11 та халқаро ва 3 та республика илмий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатция комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 12 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Икки заррачали дискрет Шредингер операторининг спектрал хоссалари”** деб номланувчи биринчи бобида квазиимпульснинг нолга тенг бўлмаган барча қийматлари учун икки заррачали дискрет Шредингер операторининг мусбатлик шартлари топилган, шунингдек, квазиимпульснинг нолга тенг бўлмаган барча қийматларида икки заррачали дискрет Шредингер операторининг хос қиймати мавжудлиги ва мусбатлиги исботланган.

$\mathbb{Z}^3 -$ уч ўлчамли бутун сонли панжара ва $\ell_2((\mathbb{Z}^3)^n) -$ $(\mathbb{Z}^3)^n$, $n = 2,3$ да аниқланган квадрати билан жамланувчи функцияларнинг гильберт фазоси бўлсин.

$\mathbb{Z}^3$ панжарадаги ихтиёрий иккита квант заррачали системанинг $\hat{h}_0$ эркин гамильтониани $\hat{\varepsilon}_1$ ва $\hat{\varepsilon}_2$ дисперсион муносабатлар билан $\ell_2((\mathbb{Z}^3)^2)$ гильберт фазосида чегараланган ўз-ўзига қўшма оператор сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$(\hat{h}_0\hat{\psi})(n_1,n_2) = \sum_{s\in\mathbb{Z}^3}[\hat{\varepsilon}_1(s)\hat{\psi}(n_1+s,n_2) + \hat{\varepsilon}_2(s)\hat{\psi}(n_1,n_2+s)],$$

бунда $\hat{\varepsilon}_\alpha$, $\alpha = 1,2,-$ ушбу $\hat{\varepsilon}_\alpha(s) = \overline{\hat{\varepsilon}_\alpha(-s)}$, $\alpha = 1,2$ $s\in\mathbb{Z}^3$ шартни қаноатлантирувчи, заррачанинг бир тугундан қўшни тугунларга кўчишини тавсифловчи $\ell_1(\mathbb{Z}^3)$ фазонинг элементлари.

Хусусан, агар

$$\hat{\varepsilon}_\alpha(s) = \begin{cases} \dfrac{3}{m_\alpha} & \text{агар} \quad s = 0, \\ -\dfrac{1}{2m_\alpha} & \text{агар} \quad |s| = 1, \\ 0 & \text{агар} \quad |s| > 1, \end{cases}$$

бўлса $\hat{h}_0$ оператор қуйидаги кўринишда аниқланади

$$\hat{h}_0 = \hat{I}\otimes\Delta + \hat{I}\otimes\Delta,$$

бунда $\hat{I}$ – $\ell_2(\mathbb{Z}^3)$ фазодаги бирлик оператор, $\otimes$ –операторларнинг тензор кўпайтмасини билдиради, $\Delta -$ дискрет Лапласиан

$$(\Delta\hat{\psi})(x)=\sum_{|s|=1}[\hat{\psi}(x)-\hat{\psi}(x+s)],\quad \hat{\psi}\in\ell_2(\mathbb{Z}^3).$$

Жуфт-жуфти билан қисқа таъсирлашувчи иккита квант заррачали системага мос $\hat{h}$ гамильтониан $\hat{h}_0$ эркин гамильтонианнинг $\hat{v}$ чегараланган қўзғатувчи потенциали сифатида қуйидагича аниқланади:

$$\hat{h}=\hat{h}_0-\hat{v},$$

бунда $\hat{v}-$ $\ell_2((\mathbb{Z}^3)^2)$ да кўпайтириш оператори

$$(\hat{v}\hat{\psi})(x_1,x_2)=\hat{v}(x_1-x_2)\hat{\psi}(x_1,x_2),\quad \hat{\psi}\in\ell_2((\mathbb{Z}^3)^2),$$

$\hat{v}-$ чегараланган ҳақиқий қийматли функция.

Диссертацияда $\hat{v}(s)$ потенциал $\mathbb{Z}^3$ да аниқланган номанфий, жуфт функция ва ушбу

$$\lim_{|s|\to\infty}|s|^{\rho}\,\hat{v}(s)=0$$

шартни қаноатлантиради деб фараз қилинади, бу ерда $\rho>3,\quad s\in\mathbb{Z}^3$, $|s|=|s^{(1)}|+|s^{(2)}|+|s^{(3)}|$.

Аниқланишига кўра $\hat{h}$ гамильтониан $\ell_2((\mathbb{Z}^3)^2)$ гильберт фазосида чегараланган ўз-ўзига қўшма оператор бўлади.

$\mathbb{T}^3$ – уч ўлчамли тор, яъни қарама-қарши ёқлари айний бўлган $(-\pi,\pi]^3$ куб бўлсин. Ҳамма жойда $\mathbb{T}^3=(-\pi,\pi]^3$ тўплам элементларининг қўшиш ва ҳақиқий сонга кўпайтириш амаллари $\mathbb{R}^3$ дагидек, $(2\pi\mathbb{Z}^1)^3$ модул бўйича киритилган амаллар каби тушунилади. Масалан, агар $a=(\frac{2\pi}{3},\frac{3\pi}{4},\frac{11\pi}{12})$, $b=(\frac{2\pi}{3},\frac{\pi}{2},\frac{5\pi}{6})\in\mathbb{T}^3$ бўлса, у ҳолда $a+b=(-\frac{2\pi}{3},-\frac{3\pi}{4},-\frac{\pi}{4})\in\mathbb{T}^3$ бўлади.

Гамильтонианнинг координатали тасвирдан импульс тасвирига ўтиш ушбу $\mathcal{F}_m,\ m=1,2,\ldots\quad \mathcal{F}_m:L_2((\mathbb{T}^3)^m)\to\ell_2((\mathbb{Z}^3)^m)$ Фурье алмаштириши ёрдамида амалга оширилади

$$(\Im_m f)(x)=\frac{1}{(2\pi)^{\frac{3m}{2}}}\int\limits_{(\mathbb{T}^3)^m}e^{ixt}f(t)dt,\quad xt=\sum_{j=1}^{m}(x_j,t_j),\tag{1}$$

$$(x,t)=\sum_{j=1}^{3}x^{(j)}t^{(j)},\quad x=(x^{(1)},x^{(2)},x^{(3)})\in\mathbb{Z}^3,\quad t=(t^{(1)},t^{(2)},t^{(3)})\in\mathbb{T}^3.$$

Ушбу $h=\mathcal{F}_2^{-1}\hat{h}\mathcal{F}_2$ операторга $\hat{h}$ гамильтонианнинг импульсли тасвири дейилади. Бу оператор $L_2((\mathbb{T}^3)^2)$ гильберт фазосида

$$h=h_0-v$$

формула бўйича аниқланади. Бу ерда h_0- $\mathcal{E}(k_1,k_2)$ функцияга кўпайтириш оператори:

$$(h_0 f)(k_1,k_2)=\mathcal{E}(k_1,k_2)f(k_1,k_2),\quad \mathcal{E}(k_1,k_2)=\varepsilon_1(k)+\varepsilon_2(k),$$

$v-$ ўрама типидаги интеграл оператор

$$(vf)(k_1,k_2)=\frac{1}{(2\pi)^{3/2}}\int\limits_{(\mathbb{T}^3)^2} v(k_1-k_1')\delta(k_1+k_2-k_1'-k_2')f(k_1',k_2')dk_1'dk_2',$$

бунда ε_i, $i=1,2$ ва v мос ҳолда $\hat{\varepsilon}_i$ ва $\hat{v}$ функцияларнинг Фурье алмаштириши:

$$\varepsilon_i(k)=(\mathcal{F}_1^{-1}\hat{\varepsilon}_i)(k)=\frac{1}{(2\pi)^{3/2}}\sum_{s\in\mathbb{Z}^3}\hat{\varepsilon}_i(s)e^{i(k,s)},\ i=1,2,$$

$$v(k)=(\mathcal{F}_1^{-1}\hat{v}(k)=\frac{1}{(2\pi)^{3/2}}\sum_{s\in\mathbb{Z}^3}\hat{v}(s)e^{i(k,s)}.$$

Операторларнинг тўғри интеграл йиғиндига ёйилишидан фойдаланиб, h операторнинг спектрал хоссаларини ўрганишни $L_2(\mathbb{T}^3)$ гильберт фазосида қуйидаги формула бўйича аниқланган ўз-ўзига қўшма чегараланган $h(k)$, $k\in\mathbb{T}^3$ операторлар оиласи (икки заррачали дискрет Шредингер оператори)нинг спекрал хоссаларини ўрганишга келтирамиз

$$h(k)=h_0(k)-v. \tag{2}$$

Бу ерда $h_0(k)$

$$\mathcal{E}_k(p)=\varepsilon_1(p)+\varepsilon_2(k-p)$$

функцияга кўпайтириш оператори ва

$$(vf)(p)=\frac{1}{(2\pi)^{\frac{3}{2}}}\int\limits_{\mathbb{T}^3}v(p-s)f(s)ds.$$

Энди (2) формула билан аниқланган икки заррачали дискрет Шредингер оператори $h(k)$, $k\in\mathbb{T}^3$ нинг спектрал хоссаларини келтирамиз.

Фараз 1. *Фараз қилайлик, $\varepsilon_i(p)$, $i=1,2-$ дисперсион муносабатлар координата маркази $\mathbf{0}=(0,0,0)$да ягона айнимаган минимум нуқтага эга бўлган, яъни*

$$\lim_{|p|\to 0}\inf\frac{\varepsilon_i(p)-\varepsilon_i(\mathbf{0})}{|p|^2}>0,\quad \varepsilon_i(\mathbf{0})=0,$$

$\mathbb{T}^3$ да аниқланган узлуксиз (даврий) ҳақиқий қийматли функция бўлсин. Бундан ташқари $v(p)-$ $\mathbb{T}^3$ да аниқланган

$$v(p)=\overline{v(-p)},\quad p\in\mathbb{T}^3$$

шартни қаноатлантирувчи узлуксиз функция бўлсин.

Таъкидлаб ўтамизки, муҳим спектр ҳақидаги Вейл теоремасига кўра $h(k)$ операторнинг $\sigma_{ess}(h(k))$ муҳим спектри v компакт қўзғатишда ўзгармайди ва қўзғалмас $h_0(k)$ операторнинг спектри билан устма-уст тушади. Бу ҳолда $\sigma_{ess}(h(k))$ – $\mathcal{E}_k(\cdot)$ функциянинг қийматлар тўпламидан иборат, яъни

$$\sigma_{ess}(h(k))=\sigma(h_0(k))=[\varepsilon_{min}(k),\varepsilon_{max}(k)],$$

бунда $\varepsilon_{min}(k)=\min\limits_{p}\mathcal{E}_k(p),\quad \varepsilon_{max}(k)=\max\limits_{p}\mathcal{E}_k(p)$. Равшанки, фараз 1 дан $k\in\mathbb{T}^3$ учун $\varepsilon_{min}(k)>\varepsilon_{min}(0)=0$ эканлиги келиб чиқади.

$C(\mathbb{T}^3)-$ $\mathbb{T}^3$ да аниқланган узлуксиз (даврий) функцияларнинг Банах фазоси ва $G(\lambda),\ \lambda\le\mathcal{E}_{\mathbf{0}}(\mathbf{0})$, $\mathbf{0}=(0,0,0)\in\mathbb{T}^3$

$$G(p,q;\lambda)=(2\pi)^{-\frac{3}{2}}v(p-q)(\mathcal{E}_{\mathbf{0}}(p)-\lambda)^{-1},\quad p,q\in\mathbb{T}^3$$

ядроли интеграл оператор (Бирман–Швингер оператори) бўлсин.

$G(\lambda),\ \lambda\le\mathcal{E}_{\mathbf{0}}(\mathbf{0})$ операторнинг -1 хос қиймати учун қуйидаги мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд.

I-ҳолат. -1 *сони* $G(\mathcal{E}_{\mathbf{0}}(\mathbf{0}))$ *операторнинг хос қиймати эмас, яъни*

$$dimKer(h(\mathbf{0})-\mathcal{E}_{\mathbf{0}}(\mathbf{0})I)=dimKer(G(\mathcal{E}_{\mathbf{0}}(\mathbf{0}))+I)=0.$$

II-ҳолат. -1 *сони* $G(\mathcal{E}_{\mathbf{0}}(\mathbf{0}))$ *операторнинг оддий хос қиймати ва унга мос хос функция* ψ *қуйидаги шартни қаноатлантиради*

$$\frac{\psi(\mathbf{0})}{\mathcal{E}_{\mathbf{0}}(p)-\mathcal{E}_{\mathbf{0}}(\mathbf{0})}\notin L_2(\mathbb{T}^3),$$

яъни

$$dimKer(h(\mathbf{0})-\mathcal{E}_{\mathbf{0}}(\mathbf{0})I)=0\qquad ва\qquad dimKer(G(\mathcal{E}_{\mathbf{0}}(\mathbf{0}))+I)=1.$$

III-ҳолат. -1 *сони* $G(\mathcal{E}_{\mathbf{0}}(\mathbf{0}))$ *операторнинг каррали хос қиймати ва унга мос хос функциялардан бири* ψ *қуйидаги шартни қаноатлантиради*

$$\frac{\psi(\mathbf{0})}{\mathcal{E}_{\mathbf{0}}(p)-\mathcal{E}_{\mathbf{0}}(\mathbf{0})}\notin L_2(\mathbb{T}^3),$$

яъни $dimKer(G(\mathcal{E}_{\mathbf{0}}(\mathbf{0}))+I)\ge 2$ *ва*

$$dimKer(h(\mathbf{0})-\mathcal{E}_{\mathbf{0}}(\mathbf{0})I)\le dimKer(G(\mathcal{E}_{\mathbf{0}}(\mathbf{0}))+I)+1.$$

IV-ҳолат. -1 *сони* $G(\mathcal{E}_{\mathbf{0}}(\mathbf{0}))$ *операторнинг каррали хос қиймати ва*

$$dimKer(h(\mathbf{0})-\mathcal{E}_{\mathbf{0}}(\mathbf{0})I)+2\le dimKer(G(\mathcal{E}_{\mathbf{0}}(\mathbf{0}))+I).$$

Таъриф. *Агар I-ҳолат бажарилса, у ҳолда нол* $h(\mathbf{0})$ *операторнинг регуляр нуқтаси дейилади.*

Теорема 1. $\varepsilon_1(\cdot)$ *ва* $\varepsilon_2(\cdot)$ *функциялар чизиқли боғлиқ бўлсин. Агар* $h(\mathbf{0})\ge 0$ *бўлса, у ҳолда барча* $k\in\mathbb{T}^3$ *лар учун* $h(k)\ge 0$ *бўлади. Бундан ташқари, агар нол –* $h(\mathbf{0})$ *операторнинг регуляр нуқтаси бўлса, у ҳолда барча* $f\neq 0$ *ва* $k\in\mathbb{T}^3$ *лар учун* $(h(k)f,f)>0$ *бўлади.*

Таъриф. *Агар II–IV ҳолатлардан бири бажарилса, у ҳолда* $h(\mathbf{0})$ *оператор нолда (муҳим спектрнинг чап четида) виртуал сатҳга эга дейилади.*

Таъкидлаб ўтамизки, агар $\varepsilon(p)=\overline{\varepsilon(p)}$ ва ҳар бир натурал n сони учун барча $p_1,\cdots,p_n\in\mathbb{T}^3$ ҳамда $\sum\limits_{i=1}^{n}z_i=0$ шартни қаноатлантирувчи $z=(z_1,\cdots,z_n)\in\mathbb{C}^n$ лар учун

$$\sum_{i,j=1}^{n} \varepsilon(p_i - p_j) z_i \bar{z}_j \le 0$$

тенгсизлик бажарилса, $\varepsilon(\cdot)$ функция шартли манфий аниқланган дейилади.

Теорема 2. *Фараз 1 бажарилсин ва $\varepsilon_1(\cdot), \varepsilon_2(\cdot)$ иккинчи тартибли дифференциалланувчи, шартли манфий аниқланган функциялар бўлсин. Фараз қилайлик $h(\mathbf{0})$ виртуал сатҳга эга бўлсин (муҳим спектрнинг чап четида). Бундан ташқари $\varepsilon_1(\cdot)$, $\varepsilon_2(\cdot)$ чизиқли боғлиқ ва $h(\mathbf{0}) \ge 0$ бўлсин. У ҳолда ҳар бир $k \in \mathbb{T}^3 \setminus \{\mathbf{0}\}$ учун $h(k)$ операторнинг муҳим спектридан чапда ётувчи дискрет спектри бўш бўлмаган тўплам ва у $[0, \varepsilon_{min}(k))$ ярим интервалда жойлашган бўлади.*

$A -$ H гильберт фазосида аниқланган ўз-ўзига қўшма чегараланган оператор ва $H_A(\lambda)$, $\lambda > \sup \sigma_{ess}(A)$ элементлари $(Af, f) > \lambda(f, f)$, $f \ne 0$ шартни қаноатлантирувчи H фазонинг қисм фазоси бўлсин.

$$n(\lambda, A) = \sup_{H_A(\lambda)} \dim H_A(\lambda) \tag{3}$$

бўлсин.

$n(\lambda, A)$ сони A операторнинг λ. дан ўнгда ётувчи хос қийматлари сонига (карралилиги билан ҳисобга олган ҳолда) мос келади.

$N_{(a,b)}(A)$ орқали A операторнинг $(a,b) \subset \mathbb{R} \setminus \sigma_{ess}(A)$, $\mathbb{R} = (-\infty, \infty)$ оралиқда ётувчи хос қийматлари сонини (карралилиги билан ҳисобга олган ҳолда) белгилаймиз.

Таъкидлаш жоизки, (1) га кўра $\hat{v}(\cdot)$ функциянинг номанфийлигидан $\hat{v}$ мусбат оператор бўлади.

$v^{1/2} -$ v операторнинг мусбат квадрат илдизи ва

$$T(z) = v^{1/2} r_0(z) v^{1/2}, \quad z \notin \sigma_{ess}(h(k)) \tag{4}$$

бўлсин, бу ерда $r_0(z) = (h_0(k) - zI)^{-1}$, $I -$ бирлик оператор.

Компакт операторларнинг хоссаларидан фойдаланиб ва анализнинг баъзи усулларини қўллаб қуйидаги теорема олинган.

Теорема 3. *$z_0 \in \mathbb{R} \setminus \sigma_{ess}(h(k))$ сони $h(k)$ операторнинг хос қиймати бўлиши учун $n(1, T(\cdot))$ функция $z = z_0$ нуқтада узилишга эга бўлиши зарур ва етарли. Бундан ташқари z_0 хос қийматнинг n карралилиги*

$$n = \lim_{\xi \to +0} n(1, T(z_0 + \xi)) - n(1, T(z_0)).$$

формула билан аниқланади.

$n(1, T(\cdot))$ функциянинг $(a,b) \subset \mathbb{R} \setminus \sigma_{ess}(h(k))$ интервалда монотонлигидан теорема 3 дан натижа келиб чиқади.

Натижа 1. *Ҳар бир $[a,b] \subset \mathbb{R} \setminus \sigma_{ess}(h(k))$ сегмент учун*

$$N_{(a,b)}(H) = n(1, T(b)) - n(1, T(a))$$

тенглик ўринли.

Натижа 2. $(a,b)\subset\mathbb{R}\setminus\sigma_{ess}(h(k))$ *ва* $T(z)$ *оператор-функция* $z\to b-0$ *да бирор* $T(b)$ *операторга текис яқинлашувчи бўлсин. У ҳолда* $h(k)$ *оператор* (a,b) *интервалда чекли сондаги хос қийматларга эга бўлади.*

$$\varepsilon_k(p)=\frac{1}{m_1}\varepsilon(p)+\frac{1}{m_2}\varepsilon(k-p),\quad \varepsilon(p)=\sum_{j=1}^{3}(1-\cos p_j) \text{ бўлсин.}$$

Фараз 2. *Фараз қилайлик,* $m_1=m_2$ *ва* $k\in\Pi$ *бўлсин, бунда* Π *тўплам* $k=(k_1,k_2,k_3)$, $k\in\mathbb{T}^3$ *нинг камида бирор* $\alpha\in\{1,2,3\}$ *учун* $k_\alpha=-\pi$ *ёки* $k_\alpha=\pi$ *эканлигини билдиради.*

Теорема 4. *Фараз* 2 *бажарилмасин ва* $v(\cdot)$ – $\mathbb{T}^3$ *да дифференциалланувчи бўлсин. У ҳолда ихтиёрий* $k\in\mathbb{T}^3$ *учун* $h(k)$ *операторнинг хос қийматлари сони чекли бўлади.*

Диссертациянинг **“Уч заррачали дискрет Шредингер операторининг муҳим спектри”** номли иккинчи бобида уч заррачали дискрет Шредингер оператори (ДШО)нинг хос функциялари учун Фаддеев-Ньютон тенгламасига ўхшаш тенглама олинган. Канал операторлари деб аталадиган операторларнинг муҳим спектри тавсифланган. Фредгольм усулидан фойдаланиб, уч заррачали ДШО нинг муҳим спектри канал операторлари спектрларидан иборат эканлиги исботланган. Шунингдек, бир нуқтада (контакт) таъсирлашувчи потенциалларга эга бўлган уч заррачали ДШО қаралади. уч заррачали ДШО нинг муҳим спектрининг бўшлиқ оралиқлари мавжудлик шарти топилган.

Уч ўлчамли $\mathbb{Z}^3$ панжарада учта ихтиёрий квант заррачали система $\hat{H}_0$ эркин гамильтониани $\ell_2((\mathbb{Z}^3)^3)$ гильберт фазосида чегараланган ўз-ўзига қўшма оператор сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади

$$\hat{H}_0=\frac{1}{2m_1}\Delta_{x_1}+\frac{1}{2m_2}\Delta_{x_2}+\frac{1}{2m_3}\Delta_{x_3},$$

бу ерда $\Delta_{x_1}=\Delta\otimes\hat{I}\otimes\hat{I}$, $\Delta_{x_2}=\hat{I}\otimes\Delta\otimes\hat{I}$ ва $\Delta_{x_3}=\hat{I}\otimes\hat{I}\otimes\Delta$, $m_\alpha>0-$ $\alpha=\overline{1,3}$ заррачаларнинг массаси, $\hat{I}$ – $\ell_2(\mathbb{Z}^3)$ фазодаги бирлик оператор.

Учта квант заррачали системага мос $\hat{H}$ гамильтониан $\hat{H}_0$ эркин гамильтонианнинг жуфт-жуфти билан қисқа таъсирлашувчи $\hat{V}_{ij}$, $1\le i<j\le 3$ чегараланган қўзғатувчи потенциали сифатида қуйидагича аниқланади:

$$\hat{H}=\hat{H}_0-\hat{V}_{12}-\hat{V}_{13}-\hat{V}_{23},$$

бу ерда $\hat{V}_{ij}$ – $\ell_2((\mathbb{Z}^3)^3)$ фазодаги кўпайтириш оператори:

$$(\hat{V}_{ij}\hat{\psi})(x_1,x_2,x_3)=\hat{v}_{ij}(x_i-x_j)\hat{\psi}(x_1,x_2,x_3),\quad \hat{\psi}\in\ell_2((Z^3)^3),\ 1\le i<j\le 3,$$

$\hat{v}_{ij}$ – чегараланган ҳақиқий қийматли функция.

Диссертацияда $\hat{v}_{ij}(s)$, $1\le i<j\le 3$ потенциал $\mathbb{Z}^3$ да аниқланган номанфий, жуфт функцилар ва ушбу

$$\lim_{|s|\to\infty} |s|^{\rho}\, \hat{v}_{ij}(s) = 0 \qquad (5)$$

шартни қаноатлантиради деб фараз қилинади, бу ерда $\rho > 3,\ s \in \mathbb{Z}^3$, $|s| = |s^{(1)}| + |s^{(2)}| + |s^{(3)}|$.

Аниқланишига кўра $\hat{H}$ гамильтониан $\ell_2((\mathbb{Z}^3)^3$ гильберт фазосида чегараланган ўз-ўзига қўшма оператор бўлади.

Изоҳ 1. *Агар системада заррачалар жуфт-жуфти билан контакт тортишувчи потенциаллар ёрдамида ўзаро таъсирлашувчи бўлса, у ҳолда координатали тасвирга мос потенциал ушбу*

$$\hat{v}_{\alpha\beta}(x_1, x_2) = \mu_\gamma \delta_{x_1 x_2}$$

кўринишда аниқланади, бу ерда $\mu_\gamma > 0$, $\{\alpha,\beta,\gamma\} = \{1,2,3\}-$ α *ва* β *заррачаларнинг ўзаро таъсир энергиялари,* $\delta_{x_1 x_2}$ *– Кронекер символи.*

Уч заррачали энергия операторинг импульс тасвири

Ушбу $H = \mathcal{F}_3^{-1} \hat{H} \mathcal{F}_3$ оператор $\hat{H}$ гамильтонианнинг импульсли тасвири дейилади. Операторларнинг тўғри интеграл йиғиндига ёйилишидан фойдаланиб, координаталар системасига нисбатан уч заррачали квазиимпульсни киритиб, H операторнинг спектрал хоссаларини ўрганишни $L_2((\mathbb{T}^3)^2)$ гильберт фазосида қуйидаги формула бўйича аниқланган ўз-ўзига қўшма чегараланган $H(K),\ K \in \mathbb{T}^3$ операторлар оиласи (уч заррачали дискрет Шредингер оператори)нинг спекрал хоссаларини ўрганишга келтирамиз

$$H(K) = H_0(K) - V_1 - V_2 - V_3. \qquad (6)$$

Бу ерда $H_0(K)$ функцияга кўпайтириш оператори:

$$\mathcal{E}_K(p,q) = \frac{1}{m_1}\varepsilon(p) + \frac{1}{m_2}\varepsilon(q) + \frac{1}{m_3}\varepsilon(K-p-q)$$

ва

$$(V_1 f)(p,q) = \frac{1}{(2\pi)^{\frac{3}{2}}} \int_{\mathbb{T}^3} v_1(q-s) f(p,s)\,ds,$$

$$(V_2 f)(p,q) = \frac{1}{(2\pi)^{\frac{3}{2}}} \int_{\mathbb{T}^3} v_2(p-s) f(s,q)\,ds,$$

$$(V_3 f)(p,q) = \frac{1}{(2\pi)^{\frac{3}{2}}} \int_{\mathbb{T}^3} v_3(p-s) f(s,p+q-s)\,ds, \quad v_\alpha = \mathcal{F}_3^{-1}\hat{v}_\alpha.$$

Изоҳ 2. *Агар системадаги барча потенциаллар контакт таъсирлашувчи, яъни* $\hat{v}_{\alpha\beta}(x_1,x_2) = \mu_\gamma \delta_{x_1 x_2}$, $\{\alpha,\beta,\gamma\} = \{1,2,3\}$ *бўлса, унга мос уч заррачали дискрет Шредингер оператори* $L_2((\mathbb{T}^3)^2)$ *фазода ушбу*

$$H(K) = H_0(K) - \mu_1 \hat{V}_1 - \mu_2 \hat{V}_2 - \mu_3 \hat{V}_3, \qquad (7)$$

формула бўйича аниқланади, бу ерда

$$(\widetilde{V}_1 f)(p,q)=\frac{1}{(2\pi)^3}\int_{\mathbb{T}^3} f(p,s)ds,\quad (\widetilde{V}_2 f)(p,q)=\frac{1}{(2\pi)^3}\int_{\mathbb{T}^3} f(s,q)ds,$$

$$(\widetilde{V}_3 f)(p,q)=\frac{1}{(2\pi)^3}\int_{\mathbb{T}^3} f(s,p+q-s)ds,\quad f\in L_2((\mathbb{T}^3)^2).$$

Ушбу $H_\alpha(K)=H_0(K)-V_\alpha$ оператор канал оператори дейилади ва унинг спектри

$$\sigma(H_\alpha(K))=\bigcup_{p\in\mathbb{T}^3}[\sigma(h_\alpha(K-p))\cup\{\frac{1}{m_\alpha}\varepsilon(p)\}]$$
$$=[m_K,M_K]\cup\bigcup_{p\in\mathbb{T}^3}\{\sigma_{disc}(h_\alpha(K-p))\dotplus\varepsilon_\alpha(p)\},\tag{8}$$

кўринишда тавсифланади, бунда $m_K=\min\limits_{p,q}\mathcal{E}_K(p,q),\quad M_K=\max\limits_{p,q}\mathcal{E}_K(p,q)$,

$$\sigma(h_\alpha(K-p))\dotplus\varepsilon_\alpha(p)=\{\lambda+\varepsilon_\alpha(p):\quad \lambda\in\sigma(h_\alpha(K-p))\},$$

$h_\alpha(p)-$ $L_2(\mathbb{T}^3)$ гильберт фазосида

$$h_\alpha(k)=h_0^{(\alpha)}(k)-v_\alpha,\tag{9}$$

формула бўйича аниқланган икки заррачали ДШО, бу ерда $h_0^{(\alpha)}(k),\ k\in\mathbb{T}^3-$ функцияга кўпайтириш оператори

$$\mathcal{E}_k^{(\alpha)}(p)=\frac{1}{m_\beta}\varepsilon(p)+\frac{1}{m_\gamma}\varepsilon(p+k),\quad \{\alpha,\beta,\gamma\}=\{1,2,3\},$$

$v_\alpha-$ $v_\alpha(p-s)$ ядроли интеграл оператор, бунда $v_\alpha(\cdot)=\mathcal{F}_3^{-1}\hat{v}_\alpha-$ $\mathbb{T}^3$ да аниқланган узлуксиз функция.

Лемма 1. *Ихтиёрий* $K\in\mathbb{T}^3$ *учун* (6) *формула бўйича аниқланган* $H(K)$ *операторнинг* $\sigma_{ess}(H(K))$ *муҳим спектри* $H_\alpha(K)$ *канал операторларнинг спектрлари бирлашмасидан иборат бўлади, яъни*

$$\sigma_{ess}(H(K))=\sigma(H_1(K))\cup\sigma(H_2(K))\cup\sigma(H_3(K)).$$

$m-$ мусбат сон бўлсин. Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$\mu_3^*=(2\pi)^3\left[\min_k\int_{\mathbb{T}^3}\frac{dq}{\frac{1}{m_1}\varepsilon(q)+\frac{1}{m_2}\varepsilon(k-q)+\frac{1}{m_3}\varepsilon(k)+m}\right]^{-1},\tag{10}$$

$$\mu_\alpha^0=8\pi^3\frac{m_\beta+m_\gamma}{m_\beta m_\gamma}\left(\int_{\mathbb{T}^3}\frac{ds}{\varepsilon(s)}\right)^{-1}.\tag{11}$$

Теорема 5. *Фараз қилайлик,* $\mu_\alpha\le\mu_\alpha^0,\quad \alpha=1,2$ *ва* $\mu_3>\mu_3^*$, $H_i(\mathbf{0})=H_0(\mathbf{0})-\mu_i\widetilde{V}_i,\ i=1,2,3$ *бўлсин. У ҳолда* $\sigma(H_i(\mathbf{0}))=[m_0;M_0],\ i=1,2$ *ва* $\sigma(H_3(\mathbf{0}))=[a_3,b_3]\cup[0,M_\mathbf{0}]$. *Бундан ташқари лемма 1 га биноан (7) формула бўйича аниқланган* $H(\mathbf{0})$ *операторнинг* $\sigma_{ess}(H(\mathbf{0}))$ *муҳим спектри бўшлиқ* *оралиқни ўз ичига олади, аниқроғи* $\sigma_{ess}(H(\mathbf{0}))=[a_3,b_3]\cup[0,M_{\mathbf{0}}]$, $a_3<b_3<-m$ *муносабат ўринли.*

Диссертациянинг **“Уч заррачали дискрет Шредингер операторининг дискрет спектри ҳақида”** деб аталувчи учинчи бобида уч заррачали дискрет Шредингер оператори (ДШО) нинг дискрет спектри ўрганилган. Уч заррачали Шредингер операторининг дискрет спектри чеклилиги учун етарли шартлар топилган. Уч заррачали ДШО нинг муҳим спектридан ташқарида жойлашган ихтиёрий оралиғида ётадиган хос қийматлар сони учун формулалар олинган (қар. теорема 6) ва теорема 6 натижалари исботланган. Теорема 6 натижасининг қўлланмаси сифатида муҳим спектрда бўшлиқ оралиқлар ва чекли дискрет спектрга эга бўлган уч заррачали ДШО га мисол келтирилган.

Бундан ташқари, контакт таъсирлашувчи потенциалга эга бўлган уч заррачали ДШО муҳим спектрнинг бўшлиқ оралиғида чексиз сондаги хос қийматлари мавжудлиги кўрсатилган. Бу бўшлиқ оралиқда мавжуд бўлган уч заррачали ДШО нинг хос қийматлари сони учун қуйидан баҳо олинган.

(7) формула бўйича аниқланган $H(K)$ операторнинг муҳим спектридан ташқарида жойлашган хос қийматларининг хоссаларини келтирамиз.

Ушбу

$$H_\alpha(K)-zI=(H_0(K)-zI)(I-R_0(z)V_\alpha),$$

тенгликка кўра, бунда $R_0(z)=:(H_0(K)-zI)^{-1}$, $W_\alpha(z)=(I-V_\alpha^{\frac{1}{2}}R_0(z)V_\alpha^{\frac{1}{2}})^{-1}$ оператор фақат ва фақат $z\notin\sigma(H_\alpha(K))$ бўлганда мавжуд бўлади. Бундан ташқари барча $z<inf\sigma_{ess}(H_\alpha(K))$ учун $W_\alpha(z)$ мусбат оператор бўлади.

$z<\inf\sigma(H_1(K))\cup\sigma(H_2(K))$, $z\notin\sigma(H_3(K))$ учун $L_2^{(2)}((\mathbb{T}^3)^2)$ гильберт фазосида қуйидаги формула бўйича $\mathbf{T}(z)$ операторни аниқлаймиз

$$\mathbf{T}(z)=\begin{pmatrix} 0 & W_1^{\frac{1}{2}}(z)K_{12}(z)W_2^{\frac{1}{2}}(z) \\ W_2^{\frac{1}{2}}(z)K_{21}(z)W_1^{\frac{1}{2}}(z) & 0 \end{pmatrix}+\begin{pmatrix} T_{11}(z) & T_{12}(z) \\ T_{21}(z) & T_{22}(z) \end{pmatrix}.$$

бу ерда $K_{ij}(z)=V_i^{\frac{1}{2}}R_0(z)V_j^{\frac{1}{2}}$, $T_{ij}(z)=W_i^{\frac{1}{2}}(z)K_{i3}(z)W_3(z)K_{3j}(z)W_j^{\frac{1}{2}}(z)$.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир фиксирланган $z\notin\sigma(H_3(K))$ учун $W_3(z)$ оператор аниқланган, хусусан, у $\sigma(H_3(K))$ спектрнинг исталган (a,b) бўшлиқ оралиқларида ётган ҳар бир фиксирланган z учун аниқланади. Шунинг учун агар бундай бўшлиқ оралиқ мавжуд бўлса, $H(K)$ операторнинг муҳим спектридаги (a,b) бўшлиқ оралиғида $\mathbf{T}(\cdot)$ оператор функция сифатида аниқланади.

Теорема 6. $z_0<\inf\sigma(H_1(K))\cup\sigma(H_2(K)), z_0\notin\sigma(H_3(K))$ *сони (7) формула билан аниқланган* $H(K)$ *операторнинг хос қиймати бўлиши учун* $n(1,\mathbf{T}(z))$ *функция* $z=z_0$ *нуқтада узилишга эга бўлиши зарур ва етарли. Бундан ташқари* z_0 *хос қийматнинг* k *карралилиги ушбу*

$$k = \lim_{\xi\to+0}[n(1,\mathbf{T}(z_0+\xi))-n(1,\mathbf{T}(z_0))]+\lim_{\xi\to+0}[n(1,\mathbf{T}(z_0-\xi))-n(1,\mathbf{T}(z_0))]$$

формула бўйича аниқланади.

